

Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2020 йил 11 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман суди Бандихон тумани, Фаровон МФЙ биносида ўтказилган сайёр суд мажлисида, судья О.А.Эргашевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Т.Тажиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бандихон туман прокурори катта ёрдамчиси Ш.Хайдаров, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат Ч.Назаров, жабрланувчи [REDACTED] нинг иштирокида [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] ([REDACTED]), 1988 йил 3 октябрь куни Шеробод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишламайди, Бандихон тумани, Фаровон маҳалласида яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

[REDACTED] қасддан баданга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиш мақсадида, 2020 йил 14 август куни соат 12:00 ларда Бандихон тумани, “Фаравон” маҳалласида жойлашган ўзининг яшаш уйи олдидаги кўчада маҳалладош қўшнисини [REDACTED] билан ўзаро тортишиб, жанжаллашиб қолиб, жанжал вақтида қўшнисини [REDACTED] ни чап кўз соҳасига қўли билан муштлаб бир маротаба уриб, унга қасддан тан жароҳати етказиши натижасида [REDACTED] ерга йиқилиб тушиши оқибатида чап кўз ва чап пешона соҳасидан тан жароҳати олиб Бандихон туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат этган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2020 йил 18 августдаги 1150-сонли судга-оид тиббиёт хулосасига кўра, фуқаро [REDACTED] жанжал натижасида бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия лат ейиши ўрта даражаси, пешона чап томони ёпиқ синиши, чап чакка-пешона соҳаси юмшоқ тўқима лат ейиши, чап кўз иккала қовоғи, чап елка ўрта учлиги олд юзаси, ўнг болдир ўрта учлиги олд юзаси қонталашлари каби тан жароҳатлари олганлиги, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича ўртача оғирликдаги шикаст эканлиги аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида айбловга иқрорлик ва қилмишидан пушаймонлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2020 йил 14 август куни соат 12 ларда ўзининг яшаш уйи ҳовлисида велосипед таъмирлаб турган вақтда



уйига кўшниси [REDACTED] келганлиги, [REDACTED] нинг спиртли ичимликдан бироз маст эканлиги сезилиб турганлиги, [REDACTED] дастлаб ҳовлисида ишлаётган усталар билан бироз суҳбатлашганлиги, сўнг унинг олдига келганлиги, ҳовлида қуёшда қизиб турган аррани ердан олиб, арранинг орқа томони билан бўйнининг орқа томонига теккизганлиги, шунда ўзи [REDACTED] га бундай ҳазиллашмаслигини, арра иссиқ эканлигини айтганлиги, лекин [REDACTED] унинг гапига парво қилмасдан яна давом этиб, бу сафар арранинг тиғли қисмини бўйнига теккизганлиги, ўзи бундан жаҳлланиб [REDACTED] билан тортишиб ёқалашиб қолганлиги, шу пайтда ўзининг оёғи тайиб кетиб темир қутига пешонасини уриб олганлиги, натижада пешонаси қонаб қолганлиги, ушбу жанжал вақтида кўшниси [REDACTED] нинг юзига бир тарсаки уриб, кўкрак соҳасига бир маротаба тепганлиги, ҳовлисидаги усталар уларни ажратиб [REDACTED] ни уйига жўнатиб юборганлиги, орадан бироз вақт ўтгач кўшниси [REDACTED] яна уйи ёнига келиб уни сўка бошлаганлиги, ўзи кўчага чиқиб бориб, [REDACTED] нинг юзининг чап тарафига зарб билан бир мушт урганлиги, зарб натижасида [REDACTED] тик ҳолатда ўнг елка қисми билан ерга йиқилиб хушдан кетганлиги, кейин тез ёрдам чақириб [REDACTED] ни шифохонага олиб кетишганлиги, [REDACTED] билан ўрталарида илгаридан адоват бўлмаганлиги, жиноятнинг келиб чиқишига [REDACTED] нинг ножоиз хатти-ҳаракати сабаб бўлганлиги, унинг даволаниш харажатлари учун жами 4,5 млн. сўм берганлиги, қилмишидан пушаймонлиги, ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] 2020 йил 14 август куни соат 11:00 ларда кўшниси [REDACTED] нинг уйига борган вақтда ҳазиллашмоқчи бўлиб ҳовлида ерда иссиқда турган аррани олиб, арранинг орқа тарафини [REDACTED] нинг бўйин соҳасига теккизганлиги, шунда у ҳазиллашмасликни арра иссиқ эканлигини айтиб уни суриб ташлаганлиги, ўзи яна давом этиб бу сафар арранинг тиғли қисмини [REDACTED] нинг бўйнига яқинлаштирганлиги, кўшниси уни яна суриб юборганлиги, ўзи аррани ерга ташлаб юборганлиги ва [REDACTED] иккаласи ўзаро тортишиб ёқалашиб кетганлиги, тортишув давомида [REDACTED] нинг оёғи тойиб шу ерда турган темир қутига пешонасини уриб олиб жароҳатланганлиги, [REDACTED] унинг кўкрак соҳасига бир маротаба тепганлиги, усталар уларни ажратиб уйига жўнатиб юборганлиги, унинг кўкрагига тепгани учун жаҳли чиқиб яна кўшниси [REDACTED] нинг уйи ёнига борганлиги, шу ерда яна иккаласи тортишиб қолганлиги, шу пайт [REDACTED] зарб билан унинг юзига бир мушт урганлиги, натижада ўзи боши билан ерга йиғилиб тан жароҳати олганлиги, сўнгра касалхонага мурожаат қилиб, 12 кун давомида ётиб даволаниб чиққанлиги, кўшниси [REDACTED] билан ўзаро ярашмаслигини, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] судланувчи [REDACTED] кўшниси эканлиги, жабрланувчи [REDACTED] турмуш ўртоғи бўлиши, кўшниси [REDACTED] билан ўрталарида адоват ва келишмовчиликлар бўлмаганлиги, 2020 йил 14 август куни турмуш ўртоғи [REDACTED] кўшниси [REDACTED] нинг уйига борган вақтда иккаласи ўзаро тортишиб қолган вақтда



турмуш ўртоғини уриб тан жароҳати етказганлигини, буни унга нинг ўзи тан олиб айтганлиги, шундан сўнг турмуш ўртоғи олган тан жароҳатлари бўйича касалхонага ётиб даволаниб чиққанлиги, даволаниш харажатларига 4,5 млн. сўм берганлиги, лекин зарарни тўлиқ қопламаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи нинг айби унинг суд тергови давомида айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида сўралган жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувлари, Бандихон туман тиббиёт бирлашмасининг 2020 йил 15 августдаги 92-сонли хабарномаси, воҳеа жойини кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва фотосуратлар, Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Сурхондарё филиалининг 2020 йил 18 августдаги 1150-сонли нинг баданидаги бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия члат ейиши ўрта даражаси, пешона чап томони ёпиқ синиши, чап чакка пешона соҳаси юмшоқ тўқима лат ейиши, чап кўз иккала қовоғи, чап елка ўрта учлиги олд юзаси, ўнг болдир ўрта учлиги олд юзаси қонталашлари каби тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича соғлиқнинг 21 кундан кўп, лекин 4 ойдан кўп бўлмаган муддатга бузилишига сабабчи бўлган ўртача оғирликдаги шикаст эканлиги ҳақидаги суд-тиббий экспертиза хулосаси, шунингдек, жиноят иши бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи нинг жинойий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи га жазо тури ва меъерини белгилашда, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, жиноятни жабрланувчининг ахлоққа зид хулқ-атвори таъсирида содир этганлиги ЖКнинг 55-моддасига кўра жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида, ЖКнинг 56-моддасига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида белгиланган раҳбарий кўрсатмаларига қатъий амал қилиб ҳамда ЖКнинг қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик тамойилларига асосланиб, инсонпарварлик принципининг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинлаш лозимлигини назарда тутиб, унга нисбатан ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

шунингдек, суд жабрланувчига жиноят оқибатида ўзига етказилган моддий ва маънавий зиённи ундириш юзасидан келгусида асослантирувчи ҳужжатлар билан фуқаролик иш юритуви тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

га ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазони мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган жойларда ўташлик белгилансин ва жазони ўташ муддати корхонада иш бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиб бориш Бандихон туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчига жиноят оқибатида ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида келгусида асослантирувчи ҳужжатлар билан фуқаролик ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясига апелляция тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши, шунингдек ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди кассация инстанциясига кассация тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

О.А.Эргашев

Аслига тўғри

